

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВ ЖАМШИД РАЖАББОВЕВИЧ**

**ДИАБЕТИК ТОВОН СИНДРОМИДА ОЁҚЛАРНИНГ КРИТИК  
ИШЕМИЯСИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро - 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Назаров Жамшид Ражаббоевич**

Диабетик тоvon синдромида оёқларнинг критик ишемияси бўлган  
беморларни даволаш усуллари такомиллаштириш..... 3

**Назаров Жамшид Ражаббоевич**

Усовершенствование способов лечения больных с критической ишемией  
нижних конечностей при синдроме диабетической стопы ..... 23

**Nazarov Jamshid Razhabboevich**

Improvement of methods for the treatment of patients with critical ischemia of the  
lower extremities in diabetic foot syndrome ..... 43

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
Lists of published works ..... 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВ ЖАМШИД РАЖАББОВИЧ**

**ДИАБЕТИК ТОВОН СИНДРОМИДА ОЁҚЛАРНИНГ КРИТИК**  
**ИШЕМИЯСИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2022.2.PhD/Tib2902 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафоев Бақодир Барноевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий ошпонентлар:**

**Абдурахманов Мамур Мустафоевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Щегалев Александр Андреевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Етакчи ташкилот:**

**Академик В.Вохидов номидаги Республика**  
**ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий**  
**тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражадар берувчи DSc.04/30.04.2023.Tib 93.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «12» сентябрь куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (083 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2023 йил «И» август куни тарқатилди.  
(2023 йил «И» август даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**А.Ш. Инояттов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Казакова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD) доцент

**Б.З.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори (DSc), профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда XX-асрнинг сўнги ўн йилликлари ва XXI-асрнинг бошларида қандли диабетли беморларни даволаш бўйича мутахассислар пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган диабетик товон синдромига эътиборни қаратишган ва унинг асоратлари «...микроциркуляцион, периферик асаб тизимининг, товоннинг суяк ва бўғим аппаратининг патологик жараёнларини бирлаштиради, бу ярали некротик жараёнларнинг ва товон гангренасининг тўғридан-тўғри таҳдидини ёки ривожланишини англатади...»<sup>1</sup>. Россия Федерациясида пастки мучаларнинг сурункали ишемияси 1,5 миллион кишида ташхисланган. Томир атеросклерози 80-90% ҳолатларда пастки мучаларнинг сурункали ишемиясининг сабаби бўлиб ҳисобланади. Ушбу патологиянинг, юқори частотаси айниқса, 60 ёшдан ошган одамларда тез-тез кузатилади.

Жаҳон миқёсида, ўтказилган тадқиқотларга кўра, 2-тип қандли диабетнинг тарқалиши 35 ёшдан ошган шахслар орасида 7,9% ни ташкил қилади. Қандли диабетнинг асоратлари ёшлар орасида 2-тип диабетга чалинган беморлар сонининг кўпайиши туфайли ҳам тиббий ҳам ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан муҳим муаммо ҳисобланади. Қандли диабетнинг кечки асоратлари рўйхатида диабетик товон синдроми етакчи ўринни эгаллаб, эрта ногиронликка ва ўлимга олиб келади. Қандли диабет фонигаги критик ишемия туфайли пастки мучаларнинг болдирнинг юқори учдан бир қисми даражасидаги ампутацияларнинг қониқарсиз натижалари пастки мучалар ампутациясида операциядан кейинги эрта асоратларнинг олдини олишни ўрганишнинг долзарблиги ва ижтимоий аҳамиятини белгилайди, бу эса ушбу беморларни жарроҳлик даволаш тактикасини оптималлаштириш зарурлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида хирургик касаликларга эрта ташхис қўйиш, комплекс даволаш, уларнинг асоратларини камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистон ривожланиш стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор ўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тибийёт ходимларини потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора тадбирларни амалга ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада, хусусан, пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган қандли диабетли беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш сифатини оширишда ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш учун ушбу соҳа мутахассислари учун муҳим муаммо туғдирадиган пастки мучаларнинг критик ишемиясида диабетик товон синдромини жарроҳлик йўли билан даволашнинг янги усулларининг самарадорлигини баҳолаш учун илмий

<sup>1</sup> Дедов И.И. Поражения нижних конечностей при сахарном диабете: атлас для врачей. - М.: Институт проблем управления здравоохранения, 2013. - 56 с.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда янги Ўзбекистон ривожланиш стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

асосланган натижалар талаб этилади. Қандли диабет фонидаги критик ишемия туфайли пастки мучаларнинг ампутациясининг қониқарсиз натижалари пастки мучалар ампутациясида жарроҳликдан кейинги эрта асоратларнинг олдини олишни ўрганишнинг долзарблиги ва ижтимоий аҳамиятини белгилайди, бу эса ушбу беморларни жарроҳлик даволаш тактикасини оптималлаштириш зарурлигини кўрсатади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон Фармони ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни муайян даражада бажаришга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот маълумотларига кўра, қон томир оқимининг стенозловчи ва окклюзияланувчи зарарланишлари қандли диабетли беморларда умумий популяция билан солиштирилганда гангренинг эркакларда 53 мартага, аёлларда 71 мартага кўпроқ ривожланишига олиб келади. Бунда, ёш гуруҳлари бўйича тақсимоти, худди ёш гуруҳларидаги меъёрий углеводлар алмашинуви бўлганларга нисбатан қуйидагиларни кўрсатди: 50 ёшгача бўлган диабетик беморларда гангрена 156 мартага, 50-60 ёшда 85 мартага, 70 ёшдан ошганларда 53 мартага тез-тез ривожланган (Галстян Г.Р., ва ҳаммуал., 2021).

Пастки мучаларнинг критик ишемияси ногиронлик ва ўлимнинг юқори даражаси билан тавсифланади. Беморларда ногиронликка энг кўп олиб келувчи ҳолатлар, бу болдир ва товоннинг юқори ампутациялари бўлиб, улар пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларнинг 25-30% да бажарилган (Волошин В.Н.; ва ҳаммуал., 2019). Удовиченко О.В. нинг маълумотларига кўра Москва шаҳрида ҳар йили товон синдроми етакчи борасида 1500 тадан 2000 тагача ампутация амалга оширилади, қайсики 100 минг аҳолига 15-20 кишини ташкил этади. Пастки мучаларнинг «юқори» ампутацияси натижасида ўлим 25-50% га етади (Удовиченко О.В. ва ҳаммуал., 2020).

Хорижий муаллифларнинг маълумотларига кўра, қандли диабет ва пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларда ўлим кўрсаткичи охириги 5 йил ичида 30% ни ташкил қилган. Турли муаллифларнинг маълумотларига кўра, қандли диабет фонида пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган мучаларнинг периферик қисмида тикланмайдиган томир оқимига эга бўлган беморларнинг сони 80% гача етиши мумкин. Ушбу тоифа беморларда ҳаётий кўрсатмаларга кўра мучаларнинг ампутацияси мажбуран бажарилади (Бокерия, Л.А. ва ҳаммуал., 2019).

Замонавий босқичда реваскуляризациянинг турли хилдаги кўплаб вариантлари ва оператив ёки консерватив даволаш усулини танлашнинг

стратегияларининг маълум бир жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар касалликнинг оғирлигига эмас, балки қон томир зарарланишининг локализациясига боғлиқ. Маҳаллий ва хорижий матбуотдаги нашр этилган ишлар шундан гувоҳлик берадики, замонавий тиббиёт илмининг ривожланишининг ҳозирги цивилизациявий чегарасида, турли хил жарроҳлик аралашувлар ва ангиология ва ангиожарроҳликнинг ютуқларига қарамасдан, 15-30% ҳолатларда мучаларнинг ампутацияси артериал қон айланишининг тикланишларга берилмайдиган турғун бузилишларининг ривожланишида, беморни оғир азобланишлардан халос қиладиган сўнгги чора ҳисобланади. Пастки мучаларнинг критик ишемиясининг клиник белгилари билан ампутация қилинганлар барча бажарилган ампутацияларнинг 90% гача тўғри келади (Paulus N. ва ҳаммуал., 2020).

Оғир критик ишемияда жарроҳлик тактикасини танлаш ва мучаларни сақлаб қолувчи жарроҳлик аралашувларининг усули масаласи ҳали ҳам охиригача ҳал қилинмаган. Шунингдек, бугунги кунга қадар клиник амалиётда эндоваскуляр аралашувларнинг жарроҳлик ҳажмини танлашдаги роли ва ўрни, пастки мучаларнинг сурункали критик ишемиясида жарроҳликдан кейинги эрта асоратларнинг ривожланишини башорат қилиш ва олдини олиш тўғрисидаги маълумотлар камчиликни ташкил қилади. Ушбу диссертация иши мазкур муаммони ҳал қилишга бағишланган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида COVID 19 дан кейин организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Эндоваскуляр аралашувларни ҳисобга олган ҳолда даволашнинг дифференциал ёндашув усули орқали диабетик товон синдромида пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилашдан иборат бўлган.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

диабетик товон синдроми фонида пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларнинг эндоваскуляр аралашувларсиз анъанавий усулда даволаш натижаларини ўрганиш;

диабетик товон синдроми фонида пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларни даволашда эндоваскуляр аралашув усулининг самарадорлигини ўрганиш;

диабетик товон синдроми фонида пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларда мучаларнинг ампутацияси сонини камайтириш позициясидан даволашнинг миниинвазив усуллари танлаш имкониятини аниқлаш;

тадқиқотда олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили асосида, диабетик товон синдроми фонида пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларда ташҳислаш усулининг ва даволаш тактикасининг оптимал алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2010-2022 йиллар давомида стационар даволанган диабетик товон синдромида пастки мучаларнинг критик ишемиясининг оғир даражадаги шикастланиши бўлган 113 нафар бемор ташкил этган.

**Тадқиқот предмети** сифатида диабетик товон синдромида пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларда жарроҳлик даволашнинг табақалаштирилган тактикасини ишлаб чиқиш ва пастки муча артерияларининг турли локализацияли стенозли-окклюзияли жараёнларини ўрганиш амалга оширилган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация тадқиқотини ўтказиш ва белгиланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги текшириш усуллари қўлланилган: клиник, клиник-лаборатор, инструментал (ультратовушли дуплексли ангиосканерлаш, ангиография), бактериологик ва статистик усуллар.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

диабетик товон синдромида пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларни даволашнинг анъанавий усулининг камчиликлари ўрганилган;

диабетик товон синдроми фонида пастки мучаларнинг критик ишемиясида оёқларнинг зарарланган артериал қон томирларининг шикастланиш даражаси ва локализациясини ҳисобга олган ҳолда беморларни ташҳислаш ва даволашда ангиографик аралашувларнинг ўрни ва роли ўрганилган;

тадқиқотнинг олинган натижаларини қиёсий таҳлил қилиш асосида диабетик товон синдроми фонида пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларни даволаш тактикасининг оптимал алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

диабетик товон синдромида пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларни даволашнинг анъанавий усулининг камчиликлари ўрганилган;

диабетик товон синдроми фонида пастки мучаларнинг критик ишемиясида пастки мучаларнинг зарарланган артериал қон томирларининг шикастланиш даражаси ва локализациясини ҳисобга олинган ҳолда беморларни ташҳислаш ва даволашда ангиографик аралашувларнинг ўрни ва роли ўрганилган;

тадқиқотда олинган натижаларни қиёсий таҳлил қилиш асосида диабетик товон синдроми фонида пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларни даволаш тактикасининг оптимал алгоритми ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлил қилиш асосида диабетик товон синдроми фонида пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларни даволаш тактикасининг оптимал алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** беморларни текширишнинг замонавий усулларида фойдаланиш, беморларни тадқиқотга киритиш ва чиқаришнинг аниқ шаклланган, услубий асосланган мезонларига риоя қилиш, таққосланган клиник тадқиқот гуруҳлари кўрсаткичларининг етарли сони ва репрезентативлиги, статистик тадқиқот усуллари билан ишлов берилганлиги,



тадқиқот натижаларини хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, ваколатли тузилмалар томонидан бирламчи материалларни тасдиқлаш билан таъминланлиги билан асосланган.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки пастки мучаларнинг критик ишемияли томирларини ҳар томонлама баҳолаш ўтказилган. Эндovasкуляр миниинвазив аралашувларнинг самарадорлиги ўрганилган ва исботланган, бу пастки мучаларнинг ампутациялари сонини камайтиришга ёрдам беради ва операцияни режалаштиришда аралашув усулини танлашни оптималлаштиришга имкон беради. Диабетик товон синдромли пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларнинг патогенези, клиникаси, ташҳисоти ва жарроҳлик муолажаларини ўрганишнинг алоҳида натижалари, бакалавриат, клиник ординатура ва магистратура талабалари учун қўлланмаларнинг ва мавзуларининг тузилиши ва мазмунини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланган.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, диабетик товон синдром билан касалланган пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларни бошқариш тактикаси пастки мучаларнинг окклюзиясининг жойлашган жойи ва локализацияси ҳамда даражасини ҳисобга олган ҳолда оптималлаштирилган. Диабетик товон синдроми билан касалланган пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларни ташҳислаш ва даволашда ангиографик аралашувларнинг самарадорлиги алоҳида кўрсатилган. Оёқлар томирларининг ангиопластикаси, стентлаш ва реканализациясининг эндovasкуляр аралашувларидан ўз вақтида фойдаланиш беморларнинг ушбу тоифасида ампутациялар сонининг камайишига кўмаклашиши билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диабетик товон синдромида пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларни даволаш тактикасини аниқлашда, артериялар ангиографиясини ўтказилиши, бу ўз навбатида диабетик товон синдромида пастки мучаларнинг критик ишемиясини даволаш ва жарроҳларга диабетик товон фонида пастки мучалар критик ишемиясида оёк томирларида уларни шартли равишда 3 даражага бўлиб эндovasкуляр аралашувларни қўллаш бўйича клиник ва тажрибавий тадқиқотлар натижалари асосида:

«Диабетик товон синдромида оёқларнинг критик ишемияси бўлган беморларни даволаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 13 декбрдаги 8н-р/1477-сон хулосаси). Ушбу услубий тавсияномада тадқиқотларда аниқланган асоратларни камайтириш усуллари кўрсатилган;

ташҳисот ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган тадқиқот маълумотлари, амалий соғлиқни сақлашга, хусусан, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Бухоро шаҳар клиник шифохонаси ва Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси амалий - тиббий даволаш ишларига тадбиқ этилган (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 2023 йил 24 мартдаги 23-х/004-сон хулосаси).

Дибетик товон синдроми билан оғриган беморларда пастки мучаларнинг критик ишемиясини даволашда критик ишемия билан оёқ томирларини баҳолаш учун эндоваскуляр мининвазив аралашувлар энг оптимал усул бўлиб, пастки мучаларнинг ампутациялари сонини камайтириш ҳамда, жарроҳлик усулини танлашни оптималлаштириш, операциядан кейинги чўлтоқнинг йиринглаши 9,7% дан 4,3% гача, тизза соҳасидан ампутация 45,1% дан 13,1%га, реампутация 6,4% дан 1,2% гача камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар ва амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг “**Диабетик товон синдроми муаммоси тўғрисидаги замонавий тасаввурлар (адабиётлар шарҳи)**” деб номланган биринчи бобида диабетик товон синдромини ташҳислаш ва даволашнинг замонавий муаммоси ёритилган. Пастки мучаларнинг артерияларининг зарарланишини аниқлашда ишлатиладиган ташҳисот усуллари, бугунги кунда мавжуд диабетик товон синдромининг турли хил таклиф этилган ва қўлланиб келинаётган таснифларнинг замонавий чизмалари тавсифланган, пастки мучаларнинг критик ишемиясининг клиник белгилари ва уни даволаш хусусиятлари ҳақида ва маълумотлар берилган. Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг замонавий тадқиқотларининг натижаларига асосланган ҳолда беморларда критик ишемияни ташҳислаш ва даволашда мининвазив эндоваскуляр аралашувларни қўлланилишининг ҳолати келтирилган. Тақдим этилган адабиётлар шарҳида 2015-2022 йилларда қуйидаги маълумотлар базаларига жойлаштирилган нашр этилган ишлар ўрин олган: EBSCOhost, Springer nature, Google scholar, eLibrary ва бошқ.

Диссертациянинг “**Тадқиқот материаллари ва усуллари**” деб номланган иккинчи боби тадқиқот ишининг материаллари ва усулларига бағишланган.

Тадқиқот иши Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида стационар даволанган, оғир диабетик тоvon синдромининг оғир даражали зарарланиши бўлган (Wagner бўйича (1979) IV-V даража) 2010 йилдан 2022 йилгача текширилган ва даволанган 113 нафар беморнинг маълумотларига асосланган.

Барча беморлар шартли равишда 2 гуруҳга бўлинган: I-таққослаш гуруҳига диабетик тоvon синдроми билан пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган анъанавий даволаш ўтказилган 66 (58,4%) бемор киритилган, улар ўз ичига қуйидагиларни олган: ангиографик текширувсиз ва эндоваскуляр аралашувсиз жарроҳлик даволаш. Таққослаш гуруҳининг 66 нафар беморидан 44 (66,6%) тасида ампутация бажарилган, 14 (21,2%) нафар беморларда тоvonнинг атипик резекцияси, бармоқлар ампутацияси 6 (9%) беморда, 2 (3%) беморда зарарланган пастки мучанинг некроэктомияси билан чекланилган. Асосий гуруҳда 47 (41,6%) бемор пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморлардан иборат бўлиб, 2019-2022 йилларда жарроҳлик йўли билан даволанган. Олинган рентген контрастли ангиографик текширув натижаларига кўра, пастки мучаларнинг томирларининг шикастланиш даражаси ва чуқурлиги, шунингдек йирингли-некротик шикастланиш жараёнининг чуқурлиги, ҳар бир алоҳида бемор учун минимал инвазив эндоваскуляр аралашув усуллари аниқланган.

Ангиографик текширувнинг ўзига хос хусусиятларини, оёқ томирларининг жароҳатланишининг анатомик локализациясини ва даражасини ҳисобга олган ҳолда эндоваскуляр миниинвазив аралашувларнинг қуйидаги турлари белгиланган: баллонли ангиопластика (томирларнинг дилатацияси), стенозланган томирларнинг стентланиши.

Иккинчи гуруҳда, назорат гуруҳидан фарқли ўларок, болдир ампутацияси, тоvon бармоқларини ампутация қилиш, тоvonнинг атипик резекцияси каби фаол жарроҳлик аралашувлари даволашнинг биринчи суткасида ва кечиктирилган ҳолда, ангиографик аралашувдан 4-5 сутка ўтгач, мучалар томирларининг таъсирланган қисмининг қон оқимини тўхтатиш амалга оширилган. Шу билан бирга, эндоваскуляр аралашувнинг самарадорлиги инобатга олинган. Бундай тактикани танлаш пастки мучаларнинг бир қисмини олиб ташлаш билан аъзоларнинг минимал йўқотиш бўйича энг тежамкор операцияларга кўмаклашган ёки чекланган некроэктомия билан мучани тўлиқ сақлаб қолиш имкониятини яратган.

Барча беморлар Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (Киев, 1963) томонидан минтақавий семинарда қабул қилинган ёш гуруҳлари таснифига кўра жинси ва ёши бўйича тақсимланди.

I-гуруҳда 37 ёшдан 80 ёшгача бўлган 44 (66,6%) эркак ва 22 (33,4%) аёллар бўлган (ўртача ёш  $58,4 \pm 2,1$  ёшни ташкил этган). II-гуруҳ мос равишда 34 (72,3%) ва 13 (27,7%) 26 ёшдан 77 ёшгача бўлган (ўртача ёш  $49,4 \pm 1,8$  ёшни ташкил этган). Беморларнинг аксарияти (69%) энг меҳнатга лаёқатли ёшда (37 ёшдан 50 ёшгача) бўлган.

Текширув давомида умумий қабул қилинган клиник, лаборатор ва инструментал усуллар қўлланилган. Беморларда оғриқ синдроми, даврий оқсоқликнинг мавжудлигининг давомийлиги, юриш пайтидаги оғриқнинг табиати ва локализацияси, оғриқсиз юриш масофаси, тинч ҳолатдаги оғриқ,

уларнинг интенсивлиги, горизонтал ҳолатда ва тўшакда оёғини пасайтиришда оғриқнинг кучайиши ёки сусайиши ҳақида маълумотлар тўпланган.

Қоннинг клиник текшируви эритроцитлар сонини, гемоглобин миқдорини ва тромбоцитлар сонини аниқлашни ўз ичига олган; аппарат усулида лейкоцитлар сони («Целлоскоп» қурилмаси) аниқланган. Лейкоцитлар формула ҳисоблаб чиқилган бўлиб, бу таёқча ядроли шаклдаги нейтрофил лейкоцитларнинг умумий сонига нисбатан 6% дан ортиқ нисбатининг ошиши шаклидаги регенератор лейкоцитар силжишни аниқлашга имкон берган.

Бактериологик текширув яра микрофлорасини ва унинг антибиотикларга сезгирлигини сифатли ва миқдорий аниқлаш учун жарроҳлик пайтида камбаласимон мушаклардан, шунингдек яранинг тўқималаридан ажралмани олиш йўли билан икки манбадан ўтказилган.

Беморларда артериал оқимнинг ҳолатини баҳолаш учун VIVID E60 (АҚШ) қурилмаси ёрдамида ултратовушли дуплекс ва триплекс ангиосканирлаш усули қўлланилган.

Облитерацияловчи касалликларни ташҳислашнинг «Олтин стандарти» рентгенконтрастли ангиографик текширув бўлиб қолмоқда. Унинг ёрдами билан стенознинг локализацияси, давомийлиги, даражаси ва табиатини, пастки мучаларнинг магистрал артерияларининг окклюзион зарарланишларининг кўплигини аниқлаш, коллатерал оқимнинг ҳолатини баҳолаш мумкин. Тадқиқот PHILIPS Allura Centron тизими (Нидерландия) ёрдамида сон ёки билак артериясини Селдингер катетеризацияси ёрдамида амалга оширилди.

Параметрик ва нопараметрик таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда миқдорий тадқиқот материалларини статистик қайта ишлаш амалга оширилди. Биз Microsoft Office Excel 2010 электрон жадвалларини маълумотлар базасини тўплаш ва маълумотларни тизимлаштириш, шунингдек зарурат туғилганда коррекциялаш воситаси сифатида ишлатилди. Статистик таҳлил қилиш учун IBM Corporation корпорациясида ишлаб чиқилган IBM SPSS Statistics v.23 дастури ишлатилди. Таққосланган гуруҳлардаги сифат кўрсаткичларидаги фарқлар мезонларидан- $\chi^2$  фойдаланган ҳолда аниқланди. Тўрт майдонли жадвалларни таҳлил қилишда, агар катакчаларнинг ҳар бирида кутилган қийматлар 5 ёки ундан кўп бўлса,  $\chi^2$  мезонидан фойдаланилган.

Кутилган ҳодиса бирта катакчада 5 дан кам бўлган ҳолларда, таҳлил қилиш учун Fisher нинг аниқ мезони ишлатилган. Фарқлар  $p < 0.05$  бўлганда статистик жиҳатдан аҳамиятли деб ҳисобланган.

Миқдорий кўрсаткичлар танлов тақсимотининг меъёрийлиги учун Shapiro-Уилк мезони ( $n < 50$  да) ва Колмогорова-Смирнов мезони ( $n > 50$  да) бўйича баҳоланди. Миқдорий кўрсаткичларни тавсифлаш учун намунавий тақсимотнинг нормаллигини баҳолагандан сўнг, маълумотлардан вариацион қаторлар шакллантирилди, унга кўра ишончлилик интервалининг қиймати 95% бўлганда арифметик катталикларнинг ўртача қиймати ( $\bar{x}$ ), стандарт оғиш ( $s$ ) ва стандарт хато ( $m$ ) аниқланди, қиймати 95 фоиз ишонч оралиғи.

Танланган қаторларнинг ўзаро мустақил миқдорий маълумотлар тўпламининг ўртача қийматларини ўзаро солиштириш учун Стюдентнинг  $t$ -

мезони ҳисоблаб чиқилди. Олинган натижа уни критик қийматлар билан таққослаш орқали баҳоланди. Агар аҳамиятлилик даражасининг ҳисоб-китоблари  $p < 0,05$  қийматларида жойлашган бўлса, кўрсаткичлардаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли деб ҳисобланади. Ушбу намуналарни тақсимлашнинг нормаллик белгилари бўлмаса, қиёсий таҳлил қилиш учун Манн-Уитни U – мезони ишлатилган.


Критик қийматлар ва Манн-Уитни U-мезонининг белгиланган аҳамият даражасида таққосланди. Агар олинган U қиймати критикдан кам бўлса, бу ҳолда фарқларнинг статистик аҳамияти тан олинган.

Диссертациянинг **“Диабетик товон синдромли пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларни эндоваскуляр аралашувларсиз анъанавий даволаш самарадорлигини баҳолаш”** деб номланган учинчи боби I-назорат гуруҳидаги беморларда пастки мучаларнинг критик ишемиясида олиб борилган даво тактикасининг тавсифи ва унинг натижаларини намойиш этишга бағишланган. Беморларда Вагнер таснифидан фойдаланган ҳолда йирингли некротик жараённинг оғирлиги баҳоланган.

Пастки мучаларнинг критик ишемияси билан диабетик товонли 66 беморнинг даволаш натижалари таҳлил қилинган, уларда ташҳислаш ва даволаш тактикасини аниқлашда ангиографик тадқиқотлар қўлланилмаган.

Беморларнинг умумий аҳволи кўп ҳолларда қабул қилишда ўртача оғирликда ва оғир бўлган: уларнинг барчаси тинч ҳолатдаги доимий оғрикқа, трофик яралар, бармоқлар ёки товоннинг гангренаси, ўзини ёмон ҳис қилиши, умумий ҳолсизлик, безовталиқ, ташналиқ, тана ҳароратининг  $39^{\circ}\text{C}$  ва ундан юқори бўлишига шикоят қилишган. Барча беморларда организмнинг умумий интоксикациясининг яққол ифодаланган белгилари бўлган: юқори гипертермия, юрак уриш тезлигининг ошиши (тахикардия) дақиқада 110 мартагача ва ундан юқори, тили ва терисининг қуруқлиги (гиповолемия белгилари) қайд этилган, кўпчилик беморларда қабзият қайд этилган. Зарарланган мучанинг сезгирлиги бузилган: 44 (66,6%) нафар товонинг зарарланиш соҳалари бўлган беморларда сезувчанликнинг бутунлай йўқолиши ва мучанинг маҳаллий гипотермияси, ярали-некротик тери атрофидаги тери нуқсони атрофидаги тўқималарнинг гиперемияси ва шиши қайд қилинган. Зарарланган пастки мучаларнинг томирларини дуплекс ангиосканерлашда кўп ҳолларда қуйидагилар аниқланган: a.poplitea, a. tibialis posterior, a.tibialis anterior, a.dorsalis pedis да стеноз ҳисобига қон томир ўтказувчанлиги критик пасайган.

Таққослаш гуруҳи беморларининг клиникага мурожаат қилганича товоннинг йирингли-некротик зарарланиши (ТЙНЗ) давомийлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатганки 66 (100%) бемордан 31 (46,9%) таси касаллик бошланганидан 30 кун ёки ундан ортиқ муддат ўтганидан сўнг клиникага ётқизилган. 36 (54,5%) беморнинг клиникамизга мурожаат қилишининг сабаби даволанишнинг муваффақиятсизлиги натижасида бошқа тиббиёт муассасаларидан келган. Мучаларнинг IV-V даражали зарарланиши бўлган беморларнинг аксариятида кеч мурожаат қилишда интоксикация ва анемия белгилари яққол ифодаланган бўлган (1-расм).



■ 1-7 сутка ■ 8-14 сутка ■ 15-21 сутка ■ 22-30 сутка ■ 31-60 сутка ■ 61 суткадан кўп

### 1-расм. Қабул муддатларига кўра таққослаш гуруҳидаги беморларнинг тавсифи

Назорат гуруҳидаги беморларда мучанинг йирингли-некротик зарарланишларини баҳолашда қуйидагилар аниқланган: аксарият ҳолатларда беморларнинг I-бармоғи 7 (10,6%), I-II-бармоқлар 6 (9,1%), оёқ таги 12 (18,2%), товон 14 (21,2%) ва болдир 7 (10,6%) зарарланган. Қолган 39,4% беморларда мучанинг II-4 (6,1%), III-7 (10,6%), IV-5 (7,5%), в V-4 (6,1%) бармоқларининг зарарланиши кузатилган.

Қандли диабет (ҚД) туридан қатъий назар, барча беморлар «интенсив инсулин терапияси» тамойилига мувофиқ қисқа муддатли таъсир қилувчи инсулинга ўтказилган. Оғир ҳолатларда инсулинни (вена ичига ва тери остига) комбинацияланган юбориш амалга оширилди. Патогенетик терапия асосида алфа-ёғ кислота гуруҳининг препаратлари қўлланилди.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар бўлмаса, барча беморларга вена ичига, кунига 50-60 минг бирликкача гепарин томчилаб юбориш буюрилган.

Симптоматик даволаш:

- ностероид яллиғланишга қарши воситалар - клодифен (буйрак функцияси назорати остида);
- оғриқ белгиларини самарали камайтириш учун учциклик антидепрессантлар;
- В гуруҳининг витаминларини ўз ичига олган препаратлар.

Антибактериал даволаш товоннинг юмшоқ тўқималарининг юқумли шикастланиши мавжуд бўлганда буюрилган. Антибактериал даво учун препаратни танлаш қуйидаги омилларга асосланган: микрофлоранинг сезгирлиги, хавфсизлик, қулайлик. Антибиотик терапияси босқичли терапия турига кўра амалга оширилган.

Шошилиш жарроҳлик аралашувлар учун кўрсатмалар, биринчи навбатда, бармоқлар ва товоннинг нам гангрена, товон флегмонаси, шунингдек яллиғланишнинг товон флегмонаси болдирга ўтишида, беморнинг ҳаётига таҳдид соладиган оғир даражадаги интоксикация бўлди. Бундай ҳолатларда операция одатда беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун амалга оширилган. Тезда жарроҳлик аралашувларини ўтказишга кўрсатмалар қуйидагилар: адекват дренажлашга эга бўлмаган йирингли-некротик яралар—

узоқ муддатли септик метастатик ўчоқлари бўлган товоннинг чуқур абсцесслари, янги ҳосил бўлган абсцесслар ва ёмон дренажланган йирингли шишлар.

Диабетик анамнезни тўплаш шуни кўрсатганки, таққослаш гуруҳининг 66 нафар беморларидан 7 (10,6%) беморда қандли диабет биринчи марта аниқланган. Ушбу пациентлар ўзларининг касалликлари ҳақида фақат пастки мучаларнинг диабетик гангренаси ривожланиши сабабли клиникамизга қабул қилингандан сўнг билиб олишган. Кўпчилик беморларда касалхонага қабул қилинишигача қандли диабетнинг давомийлиги 4 йилдан 10 йилгача бўлган.

Назорат гуруҳидаги беморларнинг йирингли-некротик яралари микрофлорасини ўрганишда қуйидаги моментлар аниқланган: таққослаш гуруҳида текширилган 66 беморда аэроб микрофлоранинг 76 штамми аниқланган. Аксарият ҳолатларда *Staph.aureus* (44,7%), *Clostridium perfringens*. (28.9%) унган. *Streptococcus* ва *E. coli* микрофлорасининг учраш фоизи мос равишда 18,4% ва 7,9% ни ташкил этган.

Шуни таъкидлаш керакки, тадқиқотда турли гуруҳларининг синхронлигини сақлаб қолиш учун анаэроб инфекцияси бўлган беморлар тадқиқотларга киритилмаган, чунки анаэроб инфекция асосий гуруҳдаги беморларда қўлланган даволаш усулларига қарши кўрсатма ҳисобланади.

Даволашнинг биринчи суткаларида, беморларнинг тана ҳарорати ўртача  $39,3 \pm 0,03^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этган. Қондаги лейкоцитлар миқдори ўртача  $11,2 \pm 0,11 \cdot 10^9/\text{л}$  га тенг бўлган. Ўртача молекулаларнинг ҳажми ўртача  $0,318 \pm 0,008$  бир. га тенг. Худди шунга ўхшаш ИЛИ ва ЭЧТ кўрсаткичлари мос равишда  $3,7 \pm 0,07$  ва  $53,1 \pm 0,82$  гача ошиши кузатилган. МСМ, L, ИЛИ миқдорининг, шунингдек ЭЧТ нинг ошиши ушбу тоифадаги беморларда яққол эндотоксикозни кўрсатган. Даволашнинг еттинчи суткасига келиб, ТҲНЗ бўлган таққослаш гуруҳининг текширилган беморларида энгил субфебрилитет сақланиб қолган ( $37,8 \pm 0,04^{\circ}\text{C}$ ). Бунда тананинг интоксикация кўрсаткичларига кўра: L, МСМ, ИЛИ ва қондаги ЭЧТ, уларнинг янада пасайиши қайд этилди, яъни нормализация томонга ўзгариш тенденцияси мавжуд бўлган мос равишда  $-9,0 \pm 0,11$ ,  $0,156 \pm 0,005$ ,  $2,1 \pm 0,05$ ,  $28,6 \pm 0,37$ .

Шуни таъкидлаш керакки, даволаниш жараёнида интоксикациянинг бошқа барча кўрсаткичларининг меъёрлашуви билан қондаги ЭЧТ секин меъёрлашув тенденциясига эга бўлган.

Қондаги қанд миқдорини ўрганиш шуни кўрсатдики, клиникага қабул қилинган вақтга келиб, бу ўртача  $13,8 \pm 2,3$  ммоль/л ни ташкил этган.

Операциядан кейинги даврда ўтказилган йирингли-некротик ўчоқнинг ликвидацияси ва интенсив даволаш қондаги қанд миқдорининг меъёрнинг юқори чегарасигача фақатгина 14-15 суткага келиб пасайишига кўмаклашган.

Томирларнинг функционал ҳолатини ўрганиш маҳаллий МСС ва МДС ни аниқлаш орқали дуплекс ангиосканирлаш ёрдамида амалга оширилди. Қабул қилинган куни а. *Poplitea*, а. *tibialis posterior* томирларини текширишнинг кўрсатишича, МСС, МДС мос равишда меъёрдан анча паст эканлигини кўрсатган –  $30,5 \pm 1,2$  и  $2,2 \pm 0,16$ .

Зарарланиш даражаси, локализацияси, объектив, субъектив текширувларнинг маълумотлари, шунингдек назорат гуруҳининг

текширилган 66 беморнинг кўрсатмаларга мувофиқ дуплекс ангиосканерлашнинг натижаларини инобатга олган ҳолда, болдир даражасида ампутация 44 (66,6%) беморда, товоннинг атипик резекцияси, 14 (21,2%) пациентда, бармоқлар ампутацияси 6 (9%) кишида, 2 (3%) беморда некрэктомия бажарилган.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотимизда қуйидаги қониқарсиз натижалар кузатилди; 5 (7,5%) беморда операциядан кейинги чокнинг йиринглаши 3 (4,5%) ҳолатда пастки мучанинг мажбурий реампутациясига олиб келди, бир ҳолатда 1,5% сон даражасида юқори ампутация амалга оширилди. Тўрт ҳолатда (6,1%), ўлим билан яқунланган. Улардан иккита беморда, кенг қамровли детоксикацион ва симптоматик даволанишга қарамасдан, 12-13-кунларда ўлимга сабаб бўлган полиорганли етишмовчилик юзага келгаан. Бир беморда 3-суткада ўткир миокард инфаркти туфайли ўлим ҳолати кузатилди. Бир беморда ўлим сабаби ўпка артериясининг ўткир тромбоемболияси бўлган. Ушбу беморларнинг барчаси кексалар яъни 60 ёшдан катта эди. I-гуруҳдаги беморларнинг ўртача ётоқ кунлари сони  $14 \pm 2,5$  ни ташкил этган.

Буларнинг барчаси юқорида айтиб ўтилган текширилган беморларнинг 16 тасида асосий сабаб йиринглаш жараёнининг кўпайиши ва тарқалишига ҳисса қўшган яшовчан бўлмаган болдир тўқималарининг бўлаклари сақланиб қолган узун чоклар, деган хулосага келишга имкон берган.

Диссертациянинг “**Диабетик товон синдроми фонидаги пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган беморларни даволашда эндоваскуляр аралашув усулининг самарадорлигини баҳолаш**” деб номланган тўртинчи бобида II - асосий гуруҳга пастки мучаларнинг критик ишемияси бўлган диабетик товонли беморларни даволаш натижаларининг таҳлили келтирилган бўлиб ушбу гуруҳ беморларининг сони 47 нафарни ташкил этган.

II-асосий гуруҳ беморларини жарроҳлик даволаш тактикасини аниқлашда, беморларнинг назорат гуруҳидан фарқли ўлароқ, болдир ва товоннинг томирларининг эндоваскуляр рентген контрастли ташҳисоти ўтказилган. Ангиографик ташҳисот натижаларини ҳисобга олган ҳолда, зарарланган томирнинг қон оқимини бартараф этиш учун эндоваскуляр минимал инвазив жарроҳлик аралашувининг усули аниқланди. Бунда болдир ва товон томирларининг анатомиясини ва уларнинг оёқнинг турли даражаларида бўшлиғини инобатга олинган. Эндоваскуляр жарроҳлик аралашувларнинг ёндашувини фарқлаш учун томирларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда оёқ томирларини уч даражага ажратилган.


I даража - **юқори даража**. Сон артериясининг ўрта сегментидан тизза ости артериясигача Томирларнинг бўшлиғи 4.0-4.5 мм гача.

II даража – **товоннинг ўрта даражаси**. (кичик болдир, олдинги ва орқа катта болдир артериялар). Томирларнинг бўшлиғи 2,5-3.0 мм гача. ((товоннинг орқа, медиал артериялари).

III даража – **товоннинг дистал даражаси**. Томирларнинг бўшлиғи 1,5-2.0 мм гача. (ёйсимон, дорзал, кафт артериялари, товоннинг медиал ва латерал оёқ ости артериялари) - 2-расм.




Асосий гуруҳ беморларнинг умумий аҳволи, худди назорат гуруҳидаги беморларникидек кўп ҳолатларда қабул қилинганда ўртача оғирликда ва оғир эди: уларнинг барчаси тинч ҳолатда доимий оғриққа, трофик яраларга, бармоқлар ёки товоннинг гангрена, сезувчанликнинг пасайишига, умумий ҳолсизликка, безовталиқ, ташналиқ, тана ҳароратининг 39<sup>0</sup>С ва ундан юқори бўлишига шикоят қилишди. Барча беморларда организмнинг умумий интоксикациясининг яққол ифодаланган белгилари бор эди: юқори гипертермия, юрак уриш тезлигининг ошиши (тахикардия) дақиқада 110 мартагача ва ундан юқори бўлиши, тил ва терининг қуруқлиги (гиповолемия белгилари) қайд этилган, кўпчилик беморларда қабзиятлар кузатилган. Зарарланган аъзонинг сезгирлиги бузилган: оёқнинг таъсирланган жойлари бўлган 29 (61,7%) беморда диабетик товон синдромининг нейропатик шакли, сезувчанликнинг тўлиқ йўқолиши ва мучанинг маҳаллий гипотермияси, терининг ярали-некротик нуқсони атрофидаги тўқималарда терининг гиперемияси ва шишиши кузатилган.



2-расм. Оёқ томирларини 3 даражага ажратиш

